

INSHONCH

Ушбу сонда:

- 2 «ОФТОБЖОН» МАВСУМГА ШАЙ
- 3 МАБЛАФ ҚАЙТАРИЛДИ, БИРОҚ...
- 4 ҲЕЧ НАРСА ИЗСИЗ КЕТМАЙДИ

Ўзги соғломлаштириш

Юрт истикболи кўп жihatдан бугун вояга етатган фарзандларимиз — келажакимиз ворислари кўлида. Бу айни пайтда биз катталар учун улкан масъулият юклайди. Фарзандларимиз дунёсини гўзал қила оласа, эзгу ва улуғ ниятларимиз ижобатини ҳар жihatдан таъминлаган бўламиз. Шу маънода, тобора яқинлашиб келатган ёшга ташти мавсумини ҳам мароқли ўтиши учун барча саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилган. Аввал хабар қилганимиздек, Қашқадарё вилоятининг Шаҳризаб туманида болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ташкилотчиларининг республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда мавсумни юқори савияда ўтказиш учун масъул бўлган барча ташкилотчилар иштирок этиб, болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдирish билан боғлиқ долзарб масалаларни батафсил муҳокама қилиб олишди.



Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари, Болаларни соғломлаштириш ва дам олдирish бўйича республика доимий комиссияси раисининг ўринбосари Озода Муҳитдинова мухбиримизга бу йилги мавсумга тайёргарликлар қандай бораётгани, мавсумгача амалга оширилган ва бажарилиши лозим бўлган масалалар ҳақида қуйидагиларни гапириб берди.

Фарзандлар камоли — юрт истикболи

— Бу йилги соғломлаштириш мавсумида 230 минг нафар болалар оромгоҳларда соғломлаштирилиши кўзда тутилган. Уларнинг 2 минг нафари «Меҳрибонлик» уйлари, мактаб-интернатлари тарбияланувчилари бўлса, 9 минг нафари кўп болали, кам таъминланган, ёлғиз oilалар фарзандлари бўлиб, бепул дам олдирилди.

Шунингдек, бу йил 3 минг нафар Оролбўйи минтақасидаги (Қорақалпоғистон Республикасидан 2 минг ва Хоразм вилоятидан минг нафар) болаларни Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти қорхоналарига қарашли оромгоҳларда дам олдирish режалаштирилган.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, 2007 йилдан бошлаб касаба уюшмалари ягона ижтимоий туловлар маблагларининг 0,3 фоиздан 0,2 фоизга камайиши туфайли ушбу маблаглар ҳисобидан касаба уюшмалари 94 минг нафар болани соғломлаштириш имкониятига эга бўлади. Қолган 136 минг нафари аввалги йиллардагидек, жойлардаги ҳокимиятлар, «Маҳалла» жамғармаси бўлинмалари ва ҳомийлар ҳисобидан соғломлаштирилади.

Айни пайтда деярли барча вилоятларда ёзги соғломлаштириш ташкил этиш бўйича ҳокимиятларнинг қўшма қарорлари қабул қилинган. Бу борада Қашқадарё вилояти ҳокимиятининг вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари билан ҳамкорликда болаларни соғломлаштириш фондини тузганлиги диққатга сазовордир. Ушбу тажриба Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Наманган, Сирдарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари ҳокимиятлари то-

нидан ҳам қўллаб-қувватланди.

2007 йилда соғломлаштириш учун жами 12 млрд. сўмга яқин, шундан 5 млрд. сўм касаба уюшмалари ва 5,5 млрд. сўм ҳокимиятлар, «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлимлари ва ҳомийларнинг маблаглари ҳисобидан сарфланishi кўзда тутилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, илгари турли идора ва ташкилотлар қарамонда бўлган 14 та болалар оромгоҳлари Президентимиз қарори билан бу йил касаба уюшмалари тасарруфига ўтказилди. Ушбу оромгоҳларни таъмирлаш ва сақлаш учун касаба уюшмалари маблаглари ҳисобидан 1 млрд. 300 млн. сўм маблаг сарфланishi лозим бўлади. Ушбу маблагнинг бир қисми, яъни 400 млн. сўми «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлимлари томонидан қопланади.

Бу йилги мавсумда жами 763 та оромгоҳ фаолият кўрсатади. Жумладан, 230 та шаҳардан ташқари, 16 та санатория туридаги, 2 та спорт-соғломлаштириш, 514 та мактаблар қоридидаги кундузги оромгоҳлар ва 1 та меҳнат-дам олиш оромгоҳлари фаолият кўрсатади.

Кўнчи хаффи хизмати томонидан берилган сўнги маълумотларга кўра, жорий йилнинг 1 май ҳолатига 24 та оромгоҳ сув тошқини ва кўнчи хаффи зонасида жойлашган.

Улардан 12 таси Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти, 8 таси Қашқадарё, 4 таси Сурхондарё вилоятлари қарашли оромгоҳлардир. Ушбу ҳудудлардаги оромгоҳларни қабул қилиш тегишли хизмат идораларидан рўхсат олинганча амалга оширилади.

Шунингдек, бу йилги мавсумда оромгоҳларда фаолият кўрсатадиган тарбиячи ва етакчиларни танлашда алоҳида эътибор қаратилиши белгилаб қўйилди. Чўки ўтган йилги кузатишлар шуни кўрсатдики, баъзи ҳолларда тарбиячи ва етакчилар болаларга қараш ўрнига гўёки ўзларини дам олишга келгандек ҳис этишди. Шу боис, Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатига тарбиячи ва етакчиларни танлашда алоҳида масъулият юклатилди.

Болаларни оромгоҳларда соғломлашти-

риш ва дам олдирish ўта масъулиятли вазифа. Шу боис ҳам Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 4 майдаги мажлиси қароридан бир қатор вазирлик, идора, жамғармалар ва жамоат ташкилотлари зиммасига ёзги соғломлаштириш мавсумини мазмунли ўтказиш борасида аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Унга кўра, вазирлик ва идоралар раҳбарлари ёз мавсуми давомида болалар соғломлаштириш оромгоҳларига электр энергия, газ, сув, коммунал-маиший хизмат кўрсатиш, автомобил транспортдан фойдаланиш, озик-овқат маҳсулотлари билан боғлиқ масалаларда бир қатор имтиёзлар белгилаб берилди.

Ўйлаيمанки, бу йўналишда маданий-маърифий, маданият ва спорт ташкилотлари ҳам четда турмайди. Улар томонидан оромгоҳларда театр, концерт гуруҳлари, кўғирчоқ театрлари, мусавирлар, шунингдек, шоир ва ёзувчилар, танкичи санъаткорлар, уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар уюштиришда амалий ёрдам кўрсатилади.

Оромгоҳлар ишини ташкил этишда асосий масалалардан яна бири уларда тарбиявий ишларни йўлга қўйишдан ibорат. Бунинг учун «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун», «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, Хотин-қизлар кўмита-

лари ҳамкорликда дастур ишлаб чиқиб, ҳар бир оромгоҳга амалий ёрдам кўрсатилади.

Юқоридagi фикрлардан келиб чиқиб оромгоҳларнинг очилиши олдидан ҳал этилиши лозим бўлган вазифалардан энг биринчиси, аввало ўтган йилги мавсум якунини таҳлил қилган ҳолда, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ тадбирлар белгилаб олиниши лозим.

Шунингдек, 1 июнга қадар барча оромгоҳларни педагог кадрлар, тиббий ва хизмат килувчи ходимлар билан таъминлашни яқунлаш лозим. Уларни Ўзбекистон КУФК раёсатининг жорий йил 17 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ходимларининг хизмат вазифалари тўғрисида»ги Низоми асосида тасдиқдан ўтказиш керак бўлади. Шу ўринда уларнинг ёши, малакаси, маълумоти, иш тажрибасига алоҳида эътибор қаратилиши жуда муҳимдир.

Оромгоҳларнинг ёз мавсумида бир маромда ишлаши учун барча чора-тадбирларни кўриш, электр энергиясининг ўчиб қолиши, телефон тармоғининг узилиши, газ, ичимлик суви билан таъминланмаслигини фавқулодда ҳолат деб ҳисоблаш зарур. Яна бир гап. Аксарият оромгоҳ бошлиқлари ни ташвишга солиб келатган масалалардан бири — бу оромгоҳларни текшириш учун турли идоралардан келувчи комиссиялардир. Очигини айтганда бўлса, маълумотларга кўра битта оромгоҳга бир кунда 2-3 та турли идоралардан текширувчи келади. Улар жумласига СЭС, ҳримилик, ички ишлар, прокуратура, ўт ўчириш ва бошқа идоралардан тортиб, токи вилоят, республика миқёсидаги идоралар вакиллари кирди. Энди бир мулоҳаза қилиб кўриш, оромгоҳ бошлиғи оромгоҳ фаолияти билан шуғулланишини ёки кетма-кет таъширф буюрувчи текширувчилар билан овора бўлишини?

Бундай ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш учун ҳар қандай текширишлари мурофилаштириш лозим. Яъни, текширувчи қаердан бўлишидан қатъий назар оромгоҳга боришдан олдин жойлардаги комиссиялар билан учрашиши, рўйхатдан ўтиш ҳамда комиссия йўналмаси билан оромгоҳ фаолиятини ўрганса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Вақт кўп турмайди. Кўз очиб юмгунча соғломлаштириш мавсуми ҳам бошланади. Олдимида шарафли, амал масъулиятли вазифа турибди. Биз фарзандларни камолда юрт истикболини кўрувчи болаларни ҳалқимиз. Шундай экан келажакимиз эгалари бўлиши фарзандларимизнинг ёзги соғломлаштириш мавсумини мароқли ўтказиши учун бор куч-гайратимизни аямаслигимиз лозим.

«Ishonch» мухбири
Жаҳонгир ШАРОФОВ
ёзиб олди

Аср қурилиши

БАҲОР КЕТМАС БИЗНИНГ ҚИРЛАРДАН

Наманган адирликларига боқиб тўймайсиз. Ҳамма ёқни лолакизағдоқлар беэган. Қунгайроқ жойларни қоплаган момақаймоқларни айтмайсизми! Ёз яқинлашаётганлигини эслаб, баланд-баландларда турналар парвоз қилади. Чўл қалдирғочлари қумшўранг тўлқинлар узра ўйноқлайди.

Дарҳақиқат уммонни эслатувчи ва Резаксой адирликлари оралиғида узундан-узюк (ўн тўрт қақирим ахир) сув омбори, айнисқа гўзал кўриниш касб этган. Унинг ҳар кун буйига ва энига барака кириб бораётганлиги атрофига янада чирой бағишламоқда.

— Аслида табиатнинг бетакор қурилиши бу ёрлар учун янгилик эмас, — сменадошига бульдозерини топшириб дам олишга чиққан чустлик Собиржон Исоқов атрафга назар ташлайди. — Ҳозиргача бундай кўринишнинг умри фоят қисқа эди, холос. Ҳарорат сал кўтарилган, ўт-ўланлар қовжираб, қир-адирлар тагин биёбонга айланиб қоларди.

— Эътибор беринг, бу гиёҳлар ранги ҳар йилгидан кўра тўқ яшил. Лолакизағдоқлар ҳам, бойчечаклар ҳам қалин. Бу — сув омборининг шарофати, намлик адирлик тепасигача кўтарилаётганидан.

Собиржон мактабни битиргач, Полдаги қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш кўрсуда ўқиди. Хизматдан қайтиб, анча йил тумандаги қурилиш ташкилотларида техника жilовини бошқарди. Резаксой сув омбори қурилиши бошлангач, «Тўполангсув ГЭС қурилиш» маъсулияти чекланган жамияти маъмуриятига ариза берди.

— Тажрибали механизаторлар сув ва ҳаводек зарур, — дейиши уни ҳушуд қаршилади. — Синов гуруҳи сўхтайдан ўтиб, бемалол ишга тушаверасиз.

— Шунга ҳам икки йилдан ортиқ фурсат ўтпти, — сўзида давом этди йилги. — Бу орада сўрхондарёлик ҳамкасблар билан янада дўстлашиб қолдик. Бир неча бор бизникига меҳмонча боришди. Бу ёғини сўрасангиз, ўтган ёғини таътилда Тилиб Ҳамзаев деган ҳамкасбим кўярда-қўймасдан Сур-

хон воҳасига бошлаб кетди. Қурилиш баҳонасида қариндошдан ҳам зиёдор дўстлар орттирдим.

Собиржоннинг сўзларини тинглаб, иншоот ўзанидаги юзлаб бульдозеру скрейперлар, пулат хартумларини осмонга тираган эксковатору юк автомашиналари, чумолидек ишлаётган қурувчилар эътиборимизни тортади.

Ўзбекистондаги энг йирик сув иншоотларидан бири бўладиган маъзку сув омбори биринчи навбати барпо этилиши учун мамлакат бюджетидан йилгирма ўн миллирдан сўм маблаг ажратилган. Режага кўра иншоот тўғрисидаги дастлабки қисми баландинги 48, узунлиги 1528 метр бўлиши кўзда тутилган. Ҳозиргача сув сигими 50 миллион кубометрга етди. Асосий ишлар бажариб қўйилди. Қолган юмушларни ҳам узиб-кесил ва юксак талаб асосида ниҳосига етказиш учун астойдил ҳаракат кетяпти. Аср иншоотида мамлакатимизнинг қатор вилоятларидан келган ва шу сингари йирик иншоотларда меҳнат қилиб тажриба орттирган қурувчилар иштирок этмоқда. Шунингдек, уч юздан кўпроқ транспорт воситаси ва турли механизмлар жалб этилган.

Қурилишнинг бориши билан қизиқиб, жойларни айланганимизда тўғрисида биринчи навбати белгиланган мuddатдан ҳам олдинроқ удаланишига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Чўки ишчилардаги кайфият ва ишқат шундан далolat бериб турарди.

Ҳа, Наманган ва Тошкент вилоятлари ҳамда кўшни республикалар ўртасида юксалган тоғлар бағридан сизиб чиқиб, кунчиқар томон жилдираган Резаксой ҳамда Катта Наманган каналидан оқиб келадиган оби ҳаёт ушбу иншоотда тўлиб-сўзсизлик муаммосини ҳал этиш сари йўналтирляпти. Ўзлаштирилган минглаб гектар ернинг қишлоқ ҳўжалигимиз тараққийти учун хизмат қилиши шубҳасиз. Бошқачасига айтганда, Собиржон Исоқов фахрланиб таъкидлаганидек, энди баҳор бу адирликлардан асло кетмайди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ishonch» мухбири

Бугуннинг гапи



Кўнча мадрасанинг янги шўқрати

Эрондаги «Ал-олам» телеканалининг Ўзбекистон бўйича мухбири Аҳмад Зубайдининг Бухородаги Мир Араб мадрасасида бугунги кунда олиб борилаётган диний таълим жарағини ҳақидаги репортажи яқинда нафақат Тохрон телевидениесидан, балки алоқасиз эр йўлдошлари ёрдамида Саудия Арабистонини, Қувейт, Яман каби 10 дан ортиқ мамлакатлар «сангори экран»ларида ҳам намойиш қилинди.

Бу кўнча мадрасада ўқитилётган фанлар, толиби илмлар учун яратилган шарт-шароитларга кўнгина хорж давлатларида катта қизиқчи билдирилатганининг сабаби нимада? Сўхбатимиз аввалида мадраса директори Муҳиддин Нўмоновга ана шу савол билан мурожаат этдик.

— Аввало, бундай қизиқши замирида Мири Араб

Қозоғистон), сўнгра аса Самарқандга бориб, Нақшбандия таълимоти пирларидан бири бўлган Хожа Ахрори Валиидан диний таълим олади.

Кейинчалик Бухоро ҳукмдори Убайдуллоҳон бу алломага чексиз меҳр қўйиб, ўзининг пири деб атайдиган ҳамда унинг маслаҳати билан Шифоқорон, Вобкент, Гиждувонда каналлар қазидиради, боғлар барпо этади. Маълумки, 1512 йилда Эрон шоҳи Исмоил Сафавийнинг буйруғига мувофиқ саркарда Нажи Соний 80 минг кишилик кўшнин билан Моваруннахрга бостириб кириб, Бухорога қараб йўл олади. Мири Араб бунни эшитиб, зудлик билан Бухорога кел-

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

Аҳолининг кам таъминланган, ҳимояга муҳтож қатламларини, қариялар, боқувчисидан ажралган болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш халқимизнинг қадим қадриятларидан саналади.

«МУРУВВАТ» УЙИГА КАСАБА УЮШМА СОВҒАСИ

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури асосида ногиронлар, етим-есирларни ҳар жihatдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилаяпти. Касаба уюшмалари ташкилотлари иш берувчилар билан ҳамкорликда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кўламини янада кенгайтириб, ҳар бир жамоада эзгулик ва меҳр-мурувват мухитини қарор топтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Қаршидаги болалар «Мурувват» уйида 197 нафар ўғил-қиз тарбияланапти. Улар учун ҳамма кулайликлар яратилган. Саховатпеша ҳомийларнинг қўллаб-қувватлаши туфайли йил бошидан ҳозирга қадар жамоага 16 миллион 147 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Яқинда республика касаба уюшма Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари Озода Муҳитдинова, вилоят ҳокимининг ўринбосари Мухтор Хайитмуродов, касаба уюшмалари ташкилотлари вилоят бирлашмаси

раиси Эсон Ражабов, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Азамат Говашовлар тарбиячи ва тарбияланувчилар ҳузурига ташриф буюрдилар.

Касаба уюшмалари Федерация кенгаши томонидан «Мурувват» уйига 2 та кондиционер, 1 та совутигич, кўп миқдорда стол-стуллар, қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар, бадий китоблар, дори-дармон, спорт кийимлари — жами 7 миллион сўмлик жиҳозлар топширилди.

— Муҳтожлардан ўз саховатини аямаган ҳомийлардан беҳад миннатдоримиз, — дейди «Мурувват» уйи директори Ваҳоб Орзиқулов. — Касаба уюшмалари жамоамизни ҳам моддий, ҳам маънавий жihatдан доимо қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Кўрсатилган мурувват ёрдами тарбиячи ва тарбияланувчилар қалбини қувонгача тўлдирди.

Иzzат ХИҚМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Савобталаб аҳли инсон йўлларингда

Жоним болам, кўнглингга ҳеч олма малол, Бошинг эгма, бошгинангни кўтар хийл, Вужудингни ўртмасан минг бир савол, Сен ахир шу юрт эркаси, арзандаси.

Байрамларда совға тўла кўлларингда, Савобталаб аҳли инсон йўлларингда, Парваналар қара, ўнгу сўлларингда, Сен ахир шу юрт эркаси, арзандаси.

Сал шамолга олча шоҳи гулин тўқар, Сени кўриб кўнглим яйраб, кўнглим чўқар, Зухромисан, Раъномисан ва ё Лобар, Сен ахир шу юрт эркаси, арзандаси.

Ажаб дунё, мева бергай гоҳ гуноҳ, Умр йўли баъзан тўқис, баъзида чоҳ, Сенга Ватан оилаю халқинг панох, Сен ахир шу юрт эркаси, арзандаси.

Банда борки, кайфу сафо, даврон сурган, Қай қимсаннинг боши мудом ёстик қурган, Бировларин вужуди йўқ, худо урган, Лекин сен шу юрт эркаси, арзандаси.

Мунчоқ-мунчоқ кўзларингда осмоннинг бор, Сунъавер, Ватан деган посбонинг бор, Сездирмайсан, аммо қалбда армонинг бор, Уксинма ҳеч, сен шу юртнинг арзандаси.

Олда сени истикболлар кутувсидир, Умр бу вақт, бор ғуссанни ютгунчидир, Дунё сенга ўз бағрини тутувсидир, Сен ахир шу юрт эркаси, арзандаси.

Лола УРОҚОВА

Хабар

Яқинда Навоий вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашида Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирларига бағишланган ўқув-амалий семинари ўтказилди.

Унда бирлашма ходимлари, тармоқ касаба уюшма кенгашлари ва Марказий кенгаш вакиллари, қорхона, ташкилот ва муассаса ходимлари ишти-

ХОТИН-ҚИЗЛАР СЕМИНАРИ

роқ этишди. Йигилишни вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси Н.Хўжақулов кириш сўзи билан очди.

Республика қурилиш ва қурилиш ишлари сановати ходимлари касаба уюшма Марказий кенгашининг вилоятдаги вакили Х.Ибрагимов «Қорхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш», бирлашма хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Файзиёва «Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳимоя қилиш борасида олиб борилган ишлар тўғрисида» маъруза қилди.

Маърузаларда қорхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари тўғрисида кенг ва батафсил тушунча берилди. Қорхоналарда хотин-қизларнинг меҳнат қилишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш, жамоат шартномасига хотин-қизлар манфаатларини ҳимояловчи моддаларнинг киритилиши, хотин-қизларни белгиланган мuddатларда тиббий кўриқдан ўтказиб боришининг бугунги аҳоли муҳокама қилинди.

Семинар йиғилишида вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари Н.Нарзиёва сўзга чиқиб, ўз фикрлари билан ўртоқлашди. Семинар сўнггида катнашчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

И.БЕТАШЕВ,
Навоий вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг етакчи мутахассиси

Бахаво гўшалар болажонларни кутмоқда



Мамлакатимизда жисмоний соғлом, маънавий етук авлодни камол топтириш устувор йўналишга айланган. Касаба уюшма аъзолари ва уларнинг фарзандлари саломатлиги тўғрисидаги ҳамжўрлик ижтимоий шерикчилик асосида тузилган жамоа келишувлари ва шартномаларида ўз ифодасини топган.

кенг ёйш бўйича Федерация кенгашининг қарори қабул қилинган эди.

Соғлом авлод — келажак пойдевори. Ўтган йили вилоятимизда меҳнаткашларнинг 21390 нафар ўғил-

риш ишлари билан бирга даволлаш тадбирлари ҳам олиб борилди.

Мавсумни ташкилий равишда намунали ўтказиш, ёзи дам олишни мувофиқлаштириш ва мав-

Самарқандда ўтган йили 16917 нафар ўқувчи ёзи таътилни оромгоҳлар бағрида ўтказган. Хўш, амалдаги йилда мавсум қандай қаршиланапти? Дам олиш масканлари фаолият кўрсатишга шайми?

Касаба уюшмалари амалдаги йилда бу долзарб юмушга сал бoшқачарoқ ёндошмоқда. Энг аввало ўтган йилдаги ютуқ ва камчиликларга назар ташлаш, хато ва камчиликлардан хулоса чиқаришга алоҳида аҳамият қаратилди. Жумладан, баъзи оромгоҳларнинг мавсум тугамасдан фаолиятини тўхтатиши оdatга айланмоқда. Масалан, «Дўстлик» болалар оромгоҳи 3 навбат, Пайшанба маиший-хизмат касб-хунар коллежи қошидаги кундузги оромгоҳ 2-3 навбат, Самарқанд маиший-хизмат, Пахтачи спорт-педагогика, Кўшработ ва Жўш қишлоқ хўжалиги коллежлари қошида очилган оромгоҳлар 3 навбат ишлаш билан чекланди. Аксарият дам олиш масканларида озик-овқат махсулотлари билан таъминлашда узилишлар кузатилган. Тушумларнинг тўлиқ ва ўз фурсатида тушмаганлиги маблағ тан-

Масъулиятни ҳис этиб

қислигини юзага келтирди. Бу эса таъминот, ходимлар ойлик маошларининг ўз вақтида тўлаб бoрилишини чўзиб юборди. Натихадан муайян қардорликнинг болашаги, иш маромининг сусайишига олиб келди. Ҳаммасидан ҳам электр таъминотидаги узилишлар дам олувчилар кайфияти, руҳиятига таъсир этди. Бу борадаги нуқсонлар йилдан-йилга кўза ташланапти. Биргина ўтган йили кунора газ ёхуд электр нурунинг узиб қўйилиши оқибатида оромгоҳларда озик-овқат махсулотларини сақлаш, таромларни ўз вақтида тайёрлаш сифатини таъминлашда жиддий муаммолар туғилди. Соҳа мутасаддиларининг бу борадаги лоқайдлиги болаларнинг кўнгилли дам олишига изн бермай келаяпти.

Охалик, Миронкул, Сазагон хуудлари йўли тамомила яроқсиз ҳолатда. Айни чоғдаги шароит «Самарқанд автойўл» бирлашмаси, шаҳар ва туман ҳокимликларидан муаммони бартараф этиш чорасини кўришни талаб этди. Яна бир муаммо. Аксарият оромгоҳлардаги жихозлар алимосқон қолган. Қатор корхона ва ташкилот раҳбарлари маблағ танқислигини рўқач қилиб оромгоҳларга турли жихозлар, идиш-товоқлар, кўрпа-тўшак ва бошқа зарур ашёларни олиб беришдан бўйин товлаб келмоқдалар. Вилоятдаги «Соғлом авлод», «Ситора», «Золотинка», «Алпомиска», «Юлдузча» оромгоҳларида юқоридаги ашёлар тақчиллиги аққол сезилиб қолди. Амалда фойдаланилаётган жихозлар ҳам яроқсиз. Боз устига қатор ташкилотлар ўз тасарруфидидаги оромгоҳларни хўжақўрсинга таъмиргалиги боис мавжуд бино ва иншоотлар

аянчли аҳволга тушиб бoрапти. Хўш, бу иллатларга қачон барҳам бoрилади? Вилоят ҳокимлиги ва вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсатининг «Вилоятдаги болалар ва ўсмирларнинг 2007 йил ёзи соғломлаштириш ва дам олдирish мавсумини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида»ги қўшма қарори қабул қилинди. Унинг ижросини таъминлаш юзасидан йиғилишлар ўтказилапти. Муддао ўтган йили ва аввалги даврларда йўл қўйилган камчиликларга барҳам бoриш, 16350 нафар ёшлар таътилни мазмунли ташкил этишдан иборат. Эътиборлиси, кундузги оромгоҳлари сони бу йил 8 тага ортади. Бу эса ўз навбатида ташкилотчилар зиммасидаги масъулият янада ошаётганидан далолат.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» муҳбири

ҲОМИЙЛАР ТАШАББУСИ БИЛАН

Ўзининг иқтисодий салоҳияти билан республикада етакчи ўринни эгаллаган Қашқадарёда келажгимиз ворисларини жисмонан бақувват, билимли ва етук инсонлар қилиб тарбиялашга жиддий аҳамият берилаяпти. Вилоятимизда иккинчи аёллар республика спартакиадаси, ўқувчи-ёшларнинг «Умид ниҳоллари — 2006» ўйинларининг якуловчи бoсқичи, миллий кураш, от спорти бўйича мамлакат мусобақалари ўтказилганлиги, воҳанин «Насоф», «Машъал», «Шўртан» футбол жамоалари олий табақа мусобақаларида иштирок этаётганлиги, «Севинч» хотин-қизлар командаси минифутбол бўйича республика чемпиолигини қўлга киритганлиги амалга оширилганлиги катта ташкилотчилик ишларининг самарасидир.

қизлари хордик чикарди. Соғломлаштириш мақсадлари учун 831,9 миллион сўм маблағ сарфланди. Тарқатилган йўлланмаларнинг 50 фоизидан кўпроги корхоналар маблағлари ҳисобидан отаналарга бепул қилиб берилди. Вилоятдаги Меҳрибонлик уйлариининг 353 нафар тарбияланувчилари текинга дам олдирилди. Бундан ташқари, Оролбўйи хуудларидан қолган 163 нафар ўғил-қиз «Ўзгеобурнефтгаз» компаниясига қарашли Беруний оромгоҳида хордик чикардилар. 2007 йилги соғломлаштириш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш, оромгоҳларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган муайян ишлар амалга оширилди. Бу йил 20 та дам олиш масканида 21 миң нафар ўғил-қиз ёзи таътилни мазмунли ўтказди.

жуд муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш мақсадида касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида махсус ишчи гуруҳи ташкил этилган. Вилоят соғлиқни сақлаш, ички ишлар, ёнгиндан сақлаш бўлими, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими, халқ таълими, маданият ва спорт бoшқармалари, Қарши Давлат университети билан ҳамкорликда аниқ дастур ишлаб чиқилган. Оромгоҳлар табибей ходимлари ва тарбиячилар билан тўлиқ таъминланди. Жорий йилда оромгоҳлар фаолиятини йўлга қўйиш учун 959 миллион сўм маблағ талаб этилади. Шунинг 594 миллион сўми хўжалик ташкилотлари, ҳомийлар ҳисобидан сарфланади. Тузилган манзилли дастур асосида кам таъминланган, муҳтож ва ногирон оила фарзандларидан 7 миң нафарини бепул дам олдирish режалаштирилган. Оромгоҳларимизда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Бухоро вилоятларидан келган 610 нафар ўғил-қиз дам олиши режалаштирилган.

Болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ташкилотларининг республика семинар-кенгаши кадимий ва хамиша навқирон Шаҳрисабзда ўтказилганлиги ҳам бежиз эмас, албатта. Чунки соғломлаштириш мавсумига пухта тайёргарлик қўриш, болаларни дам олдирishни уюшқоқлик билан ташкил этиш, уларни дам олиш масканларига кўпроқ жалб этишда ҳомийлик ҳаракатини кучайтириш ва бу мақсадда махсус жамғарма тузиш тўғрисида вилоят ҳокимлиги ва касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг ташаббуси маъқуланиб, орттирилган тажрибани мамлакатда

Мавсумга тайёрлаш ва капитал таъмирлаш юмушлари ниҳоясига етказилапти. Ҳомийлар томонидан Беруний номили оромгоҳда 700, «Ниҳол»да 250, «Ёш алангачи»да 120 миллион, Азиз Қориев номили оромгоҳда 64 миллион, «Шўртангазим» мажмуасига қарашли «Лочин» оромгоҳида 350 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. «Тоза ҳаво — танга даво» деганларидек, дам олиш масканлари Яқкабоғ, Шаҳрисабз, Китоб туманларининг тоғли, баҳаво хуудларида жойлашган. Хуусан, «Ёш алангачи», «Лочин», «Автомобилчи», Беруний номили оромгоҳларда спорт соғломлашти-


риш, кўкаламзорлаштириш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Янги жихозлар келтирилди. Мавсумни талаб даражасида ўтказиш бўйича Қорақалпоғистон касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан тегишли тadbирлар ва иш режалари белгиланди. Бу йилги мавсум учун барча шарт-шароитлар тахт қилинди, — дейди оромгоҳ раҳбари Марат Ражабов. — Тўрақарлар, спорт секциялари фаолият кўрсатиши баробарида, «Ўз уйимизни ўзимиз асрайлик», «Миллий кадрларимизни асрайлик», «Гибевандликка қарши курашайлик» каби мавзуларда учрашувлар, давра суҳбатлари, «Камолот» кунлари ўтказиш дастуримиздан жой олган. Спортнинг кўплаб турлари бўйича режалаштирилган мусобақалар болаларнинг вақтини сермазмун ва серфайз ўтказишларига хизмат қилади.

«ЛОЧИН» — ЁЗАР ҚУЛОЧИН



Мироқида халқаро андозаларга мос, дам олувчилар учун барча қулайликлар яратилган оромгоҳимизни ҳақиқий мўъжиза деб аташ мумкин. Хисор тоғ тизмалари этагида жойлашган, Оқдарёнинг тошдан-тошга урилиб оқадиган зилол суви, 15 гектарлик соясалкин боққа эга хордик масканида ҳар йили 2 миңдан зиёд ўғил-қиз соғломлаштирилади. Улардан 200 нафари «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларидир. Қўлигул қурувчилар томонидан замонавий лойиҳалар асосида бунёд этилган 14 та ётоқхона, 30 кишига мўлжалланган меҳмонхона, клуб, кутубхона, спорт майдонлари, ошхона, сузи ҳавзаси, 7 хилдаги аттракционлар дам олувчилар ҳаётида.

«Эртақлар шаҳарчаси»даги динозавр, шер, сиртлон, пингвин, туя, бегемот, оху каби ҳайвонларнинг ажойиб ҳайкалчалари, улар ёнида жойлашган ўзига хос палаткалар гоят шинам ва кўркам. Республикадаги энг яхши оромгоҳ деб топилган хордик масканида нафақат мамлакатимиз, балки Россиядаги «Газпром» компанияси ҳамда МДХ давлатларининг нефт ва газга ихтисослашган корхоналари ишчиларининг фарзандлари ҳам дам олишади. Оромгоҳга келган кишининг кўзи қанотларини ёзиб умчмоққа шайланиб турган баҳайбат лочин ҳайкалига тушади. Бахтиёр фарзандларимиз ҳам мағрур қуш каби порлоқ келажакка интиломоқдалар.




И.ҲАСАНОВ олган суратлар

Ҳадемай болажонларнинг сеvimли фасли — ёз бошлаяди. Ўқувчиларнинг уни интизорлик билан кутишлари бeжиз эмас. Чунки бу фаслда вақтин мазмунли ўтказиш, янги дўстлар орттириб, кўнгилдагилик дам олиш учун ёзи мавсумида фаолият юритадиган оромгоҳлар уларни ўз бағрига олади. Яна бир эсда қоларли жиҳатлар ҳам борки, у бевосита «Камолот» ЕИХ ташаббуси билан амалга ошириляди. Қандай дейсизми?

«ЁЗНИ «КАМОЛОТ» БИЛАН!»

«Камолот» ЕИХ болаларининг ёз мавсумида дам олишларини қизиқарли ва мазмунли ташкил этиш мақсадида ҳар йили бир қатор тadbирлар ишлаб чиқади. Жумладан, «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси асосида «Камолот кунлари» тadbирлари туркумига кирувчи турли спорт мусобақалари, расм, кўшиқ танловлари, мушоиралар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари билан учрашувлар ўтказилади, баддий кечалар, саёхатлар уюштирилади. Бу йил ҳам ушбу анъанага содиқ қолган ҳолда мазкур лойиҳа асосида қатор ташкилий ишларни амалга ошириш режалаштирилган. Унга кўра Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалари билан ҳамкорликда оромгоҳларда маънавий-маърифий тadbирлар, репродуктив саломатлик, шахсий гигиенага оид давра суҳбатлари, спорт мусобақалари ўтказилади. Оромгоҳларга Республика «Камалак» Болалар ташкилоти қошидаги Сардорлар Кенгаши аъзоларини йўлланмалар билан таъминлаб, улар орқали болалар ўртасида «Тенгдош-тенгдошга» таъмолий асосида «Оромгоҳ эрталаги», «Оромгоҳ ҳафталиги», «Камалак бурчаклари»ни ташкил этиш, «Ёз — ўтмоқда соз», «Биз Ўзбекистон фарзандларимиз» лойиҳалари асосида интерфаол усулларда машғулотлар ўтказиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, таътил мобайнида оромгоҳларга жалб этилмаган болалар ўртасида ҳам бевосита маҳалларда «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида «Компьютер саводхонлиги», «Тилларни ўрганамиз» каби ўқув курслари ташкил этилади. «Тиббий патронаж», «Соғлом бўлайлик» мавзуларида давра суҳбатлари, «Камалак жилоси», «Кўча театр», «Музейларга, ҳайвонот боғига саёхат», «Кутубхона кўни» тadbирлари ўтказилади.



«ЁШ АВЛОД» ЧОРЛАЙДИ

«Ёш авлод» оромгоҳида дам олиш кўплаб қорақалпоғистонлик болажонларнинг орақусига айланмоқда. Бoиси ҳар йили бу ерда дам олганлар ўртқоқлари ўз таасуротларини тўлиб-тошиб гапириб бeришади. Биринчи галда, оромгоҳнинг республикадаги энг сўлим гўшалардан бирида жойлашганлиги киши диққатини тортади. У Нукус шаҳри атрофидаги «Кизкеткен» дам олиш масканида барпо этилган. Бу хууд бeтаққор табиати, гулзорлари, чуғур-чуғур қушлари билан кишининг баҳри дилини яйратади, гўзал туйғуларга оидно қилади. Оромгоҳда соғломлаштириш ишларининг намунали йўлга қўйилганлиги болажонлар ва ота-оналар диққатини тортувчи яна бир жиҳатдир. Бу ерда ўтган йилда 240 нафар бола

«ЁШ АВЛОД» ЧОРЛАЙДИ

Кейинги йилларда «Ёш авлод» оромгоҳида дам олиш кўплаб қорақалпоғистонлик болажонларнинг орақусига айланмоқда. Бoиси ҳар йили бу ерда дам олганлар ўртқоқлари ўз таасуротларини тўлиб-тошиб гапириб бeришади. Биринчи галда, оромгоҳнинг республикадаги энг сўлим гўшалардан бирида жойлашганлиги киши диққатини тортади. У Нукус шаҳри атрофидаги «Кизкеткен» дам олиш масканида барпо этилган. Бу хууд бeтаққор табиати, гулзорлари, чуғур-чуғур қушлари билан кишининг баҳри дилини яйратади, гўзал туйғуларга оидно қилади. Оромгоҳда соғломлаштириш ишларининг намунали йўлга қўйилганлиги болажонлар ва ота-оналар диққатини тортувчи яна бир жиҳатдир. Бу ерда ўтган йилда 240 нафар бола

соғломлаштирилиб, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларнинг ўн нафар фарзанди бепул хордик чикарди. Бу йил ҳам 300 нафар ўғил-қизларга хизмат кўрсатиш режалаштирилган. Оромгоҳда «Бадий хунар», «Ёш конструктор», «Ёш эколог», «Чевар кўллар», «Раққосалар» каби тўрақарлар ва кўплаб спорт секциялари фаолият кўрсатади. Таниқли санъаткорлар, ёш эстрада юлдузлари иштирокида концерт дастурлари намойиш қилинади. 1000 дан зиёд китоб фондига эга кутубхона ўқувчиларнинг энг сеvimли масканларидан бирига айланади. Мавсум давомида Нукус шаҳрида жойлашган музейларга саёхатлар уюштирилади. Айни пайтда оромгоҳ 2007 йилги мавсум учун тахт. Таъмирлаш ишлари сифатли олиб борилди. Ободон-

лаштириш, кўкаламзорлаштириш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Янги жихозлар келтирилди. Мавсумни талаб даражасида ўтказиш бўйича Қорақалпоғистон касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан тегишли тadbирлар ва иш режалари белгиланди. Бу йилги мавсум учун барча шарт-шароитлар тахт қилинди, — дейди оромгоҳ раҳбари Марат Ражабов. — Тўрақарлар, спорт секциялари фаолият кўрсатиши баробарида, «Ўз уйимизни ўзимиз асрайлик», «Миллий кадрларимизни асрайлик», «Гибевандликка қарши курашайлик» каби мавзуларда учрашувлар, давра суҳбатлари, «Камолот» кунлари ўтказиш дастуримиздан жой олган. Спортнинг кўплаб турлари бўйича режалаштирилган мусобақалар болаларнинг вақтини сермазмун ва серфайз ўтказишларига хизмат қилади.

МЕҲР НУРИ

Дунёда инсондан меҳр-оқибат қолади. Авлод-аждодлардан — мерос бу олижаноб туйғу одаларни эзгуликка, қомилликка бошлади. Катталарнинг ҳамжўрлиги ва меҳрибонлиги, ёш авлоднинг келажаги учун қай-қуриши ҳар бир ўғил-қиз қалбида ишонч ва фахр уйғотади. «Шўртангазим» мажмуаси директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Алишер ака Султонов ҳар гал хуудимизга келиб, ҳол-аҳвол сураганларида қайфиятимизга қувонч, қувончимизга қувонч қўшилади. Корхона раҳбари ва касаба уюшма қўмитасининг ҳамжўрлиги тўғрисида болалар маскани тўлиқ таъмирланиб, қаттиқ ва юмшоқ жихозлар билан таъминланди. Яшаш, ўқиш ва дам олиш шароитлари яхшиланди. Ичимлик суви муаммоси ҳал этилди. Энг муҳими, тарбияланувчиларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга эътибор берилаяпти. Мажмуага қарашли оромгоҳда ўзги мавсумни кўнгилли ўтказиб, асло зерикиб билмаймиз. Мана икки йилдирки, энг интизомли ва алоҳи тарбияланувчилар Туркиядаги бутун дунё болаларининг сеvimли оромгоҳи жиобланган Анталья соҳилида жойлашган «Пинара» дам олиш масканида хордик чикаришаяпти. Кристина Мартисова, Нодирабегим Башманова, Олиса Абдуллаева, Виталий Суонидков, Дилшод Нурмонов, Фаррух Чориев, Ирина Суонидкова-лар билан мириқиб дам олдик. Дунёнинг турли мамлакатларидан келган болалар билан дўстлашдик. Уларга жаннатмақон дийримиз, меҳрибон ордодларимиз ҳақида сўзлаб бердик. Саховатпеша жамоанинги химмати билан ўтган икки йилда «Меҳрибонлик уйи»га 14 миллион сўмликдан ортик кийим-кечак, пойфазал, ўқув қуроллари, телевизор, гулам, музика маркази ва бошқа ашёлар олиб бeрилди. Жорий йилда ҳам зерикмаймиз. «Меҳрибонлик уйи» ўғил-қизлари оромгоҳида мириқиб хордик чикарди-лар.

Ёркин ЗИЁТОВ, Қамаш туманидаги Мирзо Улуғбек номили 4-«Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиси

Бу каби ишлар ёз мавсумида болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, қизиқиш доирасини тўла қамраб олиш билан бирга, уларни маънавий баркамол, она-Ватанга муҳаббат, мустақиллик гоёларига хурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Ўз камолотини «Камолот» билан бирга боғлаган барча болажонларни мавсумида фаол бўлишга, оромгоҳларда мароқли хордик чикаришга чорлаймиз. Насиба МАМАРАИМОВА, «Камолот» ЕИХ МК раиси ўринбосари



Она Кўйш ўз нурини бутун борлик узра барбор сочди. Нанкин инсонлар, балки бутун мавжудот унинг илик нурларидан қувват, тафт олиб яшайди. Балки шунинг учундир, бундан анча йиллар олдин «Навоий-азот» ОАЖ қошида болалар оромгоҳи ташкил этилганда унга яхши ният билан «Офтобжон» дея ном беришган эди. Шундан буйи «Офтобжон»нинг оромжон бағри бахтиёр болажонлар билан гавжум.

«ОФТОБЖОН» МАВСУМГА ШАЙ

Кармана тумани хуудидида жойлашган ушбу оромгоҳ сервоса дов-дарактарлига бой бўлган 14 гектарлик хушманзара маконни ўзига манзил тутган. Ўртасидан оқиб ўтувчи сой эса унинг хуснига фусун бағишлаб туради. Оромгоҳда сўнги таъмирлаш ва сайқал бeриш ишлари қизгин давом этаётгани бир қарашдаёқ сезилади. Ҳамма ўзига бириктирилган юмушларни адо этаётган палла эди. Оромгоҳ раҳбари Шавкат Очиллов билан суҳбатимиз айнан шу сарфарбарликлар хуусида кечди: — Ўтган йилда оромгоҳни ёзи мавсумга тайёрлаш ишлари учун 182.584.325 сўмлик таъмирлаш ишлари олиб

борилган эди. Корхонанинг бу йилги ажратмалари ҳам оз эмас. Жамиятининг ўца ҳеҳидан 150 нафар ишчи ва хизматчиларни белгиланган вазифаларни кўнгилдагидек уладлаб, биноларни биринкетин фойдаланишга топширишайтир. Жумладан, 16 та икки қаватли ётоқхона, кутубхона, 500 ўринга эга бўлган ошхона ва барча маиший хизмат кўрсатиш хоналари мавсумга шай ҳолга келтирилди. Бу йил «Ижтимоий химоя йил» бўлгани учун жараёнларда саховат ва муруватлилик сезилиб туради. Агарда жорий йилда оромгоҳда 960 нафар болаларни соғломлаштириш мўлжалланганини ҳисобга олсак, шундан 30 нафари меҳрибонлик уйла-

ри тарбияланувчиларидир. Шунингдек, боқувчисини йўқотган оилалар ва ишлаб чиқариш ногиронларининг фарзандлари ҳам бундай имкониятдан бебаҳра қолмайдилар. Битган сайн бошлан ишларингдан хуудур топасан, киши. Маъмурий-хўжалик биноси, кичик ва катта спорт

Улли БОБОВЕВ, «Ishonch» муҳбири

Тадбир

Хайдар Мансуров кўркем йигит эди. 1941 йил кўнгилилар сафинда жангга кетган йигитнинг бедарак йўқолганлиги тўғрисидаги хабар кишлоқни дарзага солди. Укаси Самандар ранги сомондек сарғайиб касалхонада вафот этди. Қаландар Прага шаҳрини озод қилиш учун бўлган шиддатли жангларнинг бирида оғир яраланиб, ёғоч ойда қайтиб келди. Бердиёр эса Берлин ёқасида ҳалок бўлди. Энди Улдона опа чидай олмайди. Белини боғлаб ҳовлига чиқди-да, «боламаб» бўлади ва ҳисиз йиқилди. ...Орадан йиллар ўтди. Қаландар ҳам дунёни тарк этди. Она тик этса, эшикка умидвор қарарди. Афсуски, муъжиза содир бўлмади, Хайдар қайтмади. Онаизорнинг жони останада узилди. У минглаб оналарнинг бири эди. Шахидлар хотирага айланди. Хотира эса ўлмайди, руҳ абадийдир. Тирик қолганлар эса санокли.

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

«Ватанпарвар» ташкилотидан бўлиб ўтган «Уч авлод учрашуви» маърузида тадбирда ана шулар хусусида сўз юритилди. Уни Республика мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар кенгашининг раиси М. Умаров кириш сўзи билан очди. Ундан сўнг республика фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси марказий Кенгашининг раиси Э. Бокйбоев маъруза қилди. Уруш қатнашчиси, истеъфодаги генерал-майор Мадмин хожи Хасанов кўрган-кечирганларини сўзлаб берди: «Бизга осон бўлмаган. Мислсиз уруш азоб-уқубатларини бошдан кечирдик. Сизлар бундай қиларми кўрманлар. Уша пайтлар саховатпеша ҳалқимиз яна бир синовдан ўтди. Ўзбекистон 230 минг етимга оналик қилди». Мен крим-татар миллатига мансубман, деб сўзлади Энвер Желперов. — Болалигим Германиядаги концлагерлардан бирида асирликда кечди. Озод этилганимиздан кейин бу ерга олиб келишди. Юрагим гам-аламга тула, бироқ малҳумни яхши инсонлардан топдим. Бетакорор бу ўлкада муқим қилиб, палак ёздим. Тадбирда II жаҳон уруши қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар ва Тошкент биланлашган техника мактаби курсантлари ҳамда бошқаруш иштирок этидилар. Шарофат НОРКУЛОВА, «Ishonch» мухбири

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури — амалда

Шундай мактаб бор



Ҳамма жойда бўлгани каби Янгийул тумани халқ таълими бўлимига қарашли 14-умумий ўрта таълим мактабида ҳам Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг учинчи босқичида белгиланган вазифалар ижроси ҳамда таълим мазмунини такомиллаштириш борасида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Мактаб ўқувчилари, мана бир неча йилдирки чет тили, физика-математика ва бошқа фанлар бўйича туман, вилоят, ҳатто республика олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этиб келмоқдалар. Мактабда айрим фанлардан ўқувчиларга чуқур билим бериш учун махсус синфлар очилгани, тест усулида машғулотлар олиб борилаётгани ютуқлар гарови бўлмоқда. Бу ишларни амалга оширишда услубиятчи муаллим Сиддиқали Бўтабоевнинг саъй-ҳаракатларини алоҳида тилга олиб ўтиш жоиз. Эеро, муаллим дарсларини кузатар эканмиз, унинг раван нутқи, ифодали туншунтиришлари, турли кўргазмалар кўроллари ва тест материалларидан умумий фойдаланиши ўқувчиларнинг фанларга бўлган қизиқишларини янада орттираётганининг гувоҳи бўлдик. — Мактабимизда маънавиятга, миллий-маданий тарбияга алоҳида эътибор билан қаралаётгани бежиз эмас, — дейди мактаб бошланғич ка-

саба уюшма кўмитаси раиси Уринбой Рихсибоев. — Чунки, коммул инсонлар фақат ана шу йўл билан вояга етказилади. Айни чоғда ўқувчиларни ўз ўзини бошқаришга ўргатиш, синфдан ташқари турли тадбирлар ўтказиш анъана тусига айланган. Мактабда катта боғ ташкил этилган. Богдаги турли хил мева-ли дарахлар ҳосилга кириб, жамоанинг хайрли ишларида асқотмоқда. А. ХУДОЁЕВ

Суратда: (ўнгда) мактаб касба уюшма кўмитаси раиси Уринбой Рихсибоев ўқувчилар Раъно Кўшоқова, Сиддиқали Бўтабоев ҳамда Муқаддас Мухаммедовалар билан галдаги вазифалар хусусида суҳбатлашмоқда.

Тадбиркор — қонун ҳимоясида

МАБЛАҒ ҚАЙТАРИЛДИ, БИРОҚ...

Гулистон шаҳрида вилоят тадбиркорлари ва ишбилармонларнинг учрашуви ташкил қилинди. Тадбир иштирокчилари Мирзабод, Сирдарё туманларидаги фермер хўжалиқлари, шунингдек, вилоят марказидаги «Машхура-Микчик корхонаси», «Сайхунмедтекс», «Туркистон-С-Росс-Фахри» каби Ўзбекистон-Швейцария ва Ўзбекистон-Россия кўшма корхоналари фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Жамоатчилик Кенгаши аъзолари билан ўтказилган давра суҳбати таассуротларга бой бўлди. Нурчилар шаҳри Шириндан келган «Неъматулло невараси Асим» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Нурсатullo Ғайбуллаевнинг сўзлари барчада қизиқиб уйғотди. Унинг айтишича, 2005 йилнинг март ойида Тошкентдаги «Алгоритм-Малайзия» кўшма корхонаси билан ўзаро шартнома имзолаб, ундан ҳар ойда 3 миллион 300 минг сўмлик мақорон ва печенье маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ускуналарни харид қилган. Афсуски, шартномада белгиланган 6 ойлик қафолат муддатга тугамасдан, яъни ўттиз кунда ҳар иккала ускуна ҳам ишдан чиққан. Шундан сўнг ишбилармон бир неча бор

«Алгоритм-Малайзия» кўшма корхонаси раҳбариятига бу ҳақда хабар қилган. Бироқ ҳеч қандай натижа бўлмаган. Шундай қилиб орадан бир йил ўтибди. Тадбиркор ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Сирдарё вилояти монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасига, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармасига, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига вилоят бирлашмасига, Тошкент шаҳри хўжалик судига мурожаат этган. Аммо таассуфки, сарсон-саргардонликнинг адоги кўринмаган. Мазкур тадбирдан хабар топагач, учрашувга етиб келди. Мулоқот чоғида у кўтарган муаммо «Тадбиркорлар ва фер-

мерлар харакатини қўллаб-қувватлаш Республика маркази» раисининг ўринбосари Валентина Котельникова эътиборини тортиди. Пировадда тадбиркорнинг бир йиллик елиб-югуришлари барҳам тоғди. Тезкор саъй-ҳаракат кўрсатилиб, Тошкент шаҳар хўжалик судининг ускуналарни экспертиза қилиш тўғрисидаги ахрими бўйича батафсил текширув ўтказилди. Натижада тадбиркор сифатсиз ускуналарни «Алгоритм-Малайзия» кўшма корхонасига қайтарди. Эвазига 3 миллион 300 минг сўм мақдордаги пулни компания газнасидан ундириб олишга эришди. Тўғри, хусусий тадбиркорга тегишли маблағ қайтди. Бироқ, масаланинг бошқа томони ҳам бор. Айбдор компания ўз ускуналарини қайтариб олди, лекин тадбиркорнинг алдагани, сарсон-саргардон қилгани учун нега жазосиз қолди? ПИРАМАТОВ ДЎСТАМУҚОВ, «Ishonch» мухбири

(Боши 1-бетда)

XVI асрнинг ноёб мемориал обидаси саналмиш Мир Араб мадрасаси нафақат Бухорода, балки бутун Марказий Осиёда диний таълимни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Аммо шўро аскарларининг 1920 йилдаги Бухорога ҳужуми даврида бу илм маскани хароба ҳолга келтирилиб, ундаги бой кутубхона талон-тароғ қилинган. 1945 йилдан ўзининг иккинчи тарихини бошлаган мадрасада ҳозирга қадар 33 та хатмона маросими ўтказилиб, мингдан ортқ малакали диний ходимлар тайёрланди. Россия муфтийларининг раиси Равиль Ғайнутдин, Қозон муфтийси Талғат Таджутдин, Озарбайжон муфтийси Оллошукур Пошшозода ва бошқа танили уламолар дастлабки диний сабоқни Мир Араб мадрасасида олишган...

Бугуннинг гапи

расада таълим олаётган 100 дан зиёд ёшларга ислом илми ва умумтаълим фанларининг билимдон ва тажрибали ўқитувчилари дарс беришмоқда. Саудия Арабистонининг Мадина университетини тугатиб, бу ерда тафсири ва фикҳшуносликдан дарс ўтаётган Азизхўжа Иноатов ва Жобир Элов, шунингдек, Курьони каримдан сабоқ бераётган Мақсуджон Акрамов, ислом тарихи ва араб тилини ўргатаётган Акрамжон Абдуллаев ва Қобилжон Сиддиқов, талабаларни хатотлик санъатидан хабардор этаётган вилоят имом-хатиби Фафуржон Раззоқов ва бошқа мударрисларнинг машғулотлари ёшларнинг диний билимларини чуқур ўзлаштиришларига

ри ўқув муассасаларида аъло баҳоларда ўқиётганлари бу ердаги таълим сифатининг юқорилигидан далолатдир. — Ушбу ўқув юрти фаолиятининг жаҳон телевидениесида кенг ёритилаётганига, Бухорога чет элдан келётган юқори мартабали меҳмонлар ҳамда кўплаб сайёҳларда Мир Араб мадрасаси, бу ердаги таълим жараёни билан танилиши иштиёқи пайдо бўлишига, аввало, Марказий Осиёдаги кўна диний билим юрти тарихи ҳақидаги маълумотларни билиш, унинг мемориал гузаллигидан эстетик баҳра олиш мақсади сабаб бўлапти, — дея суҳбатга қўшилди вилоят бош имом-хатиби

Кўхна мадрасанинг янги шўҳрати

Мадраса директори ҳикоясини тинглаб эканмиз, мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллар Юртбошимизнинг нуфузли хорижий меҳмонлар билан шўро даргоҳга ташир буюргани кўз ўнгимизда намоён бўлди. Ушанда соёқ иттифоқнинг турли республикаларидан ўқишга келган, ярим юпун кийинган талабалар вақтида стипендия олишмаётгани, яшаш шaroитлари оғирлигидан шикоят қилган эдилар. Мамлакатимиз эришган бу мадрасада таълим жараёнини такомиллаштириш, талабаларнинг ўқиш ва яшаш шaroитларини тубдан яхшилаш бўйича мутасаддиларга аниқ топшириқлар берган эди. Орадан кўп ўтмай Мир Араб мадрасаси Ўзбекистон муулмонлари диний идораси тасарруфидоги энг намунали ўрта махсус ислом билим юртига айлантирилди. Вазирлар Мақмамасининг 2003 йил 22 августдаги қарорига асосан мадраса мадраса дўжломининг давлат таълим хизмати деб эътироф этилгани ўқув юрти мударрислар жамоаси ва талабалари маъсулиятини янада оширди. Чунки, бу қарор шaroфати билан мадраса битирувчиларини эндиликда республикамизнинг истаган олий ўқув юртиларига ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўлдилар. Бугунги кунда республикамизнинг барча вилоятларидан Бухорога келиб, бу мад-

хизмат қилмоқда. Математика ўқитувчиси Ҳазрат Раҳимов, она тили ва адабиёт фани муаллими Насрулло Шукруллаев, талабаларга информатика асосларини ўргатаётган Фафуржон Исоевлар ҳам жамоанинг моҳир педагоглари сифатида эътироф этилганлар. Замонавий компьютерлар ва таълимнинг бошқа техникавий воситалари билан жиҳозланган ёруғ ва қулай дарсхоналарда билим олаётган талаба талабаларнинг мадрасага қираётган ҳар бир кишига тавозе билан салом бериши-ю, хушмуомаласидан мутаассир бўлиб, билим масканида шарқона одоб ва ахлоқ қарор тоғганига ишонч ҳосил қиласиз. Айни чоғда бу ерда «Диний фанларни ўқитишда инновацион фаолият ва илгор педагогик технологиялар» каби мавзуларда тадқиқотлар олиб борилаётгани мадраса фаолияти замонавий тямойиллар асосида ташкил этилганини кўрсатиб турибди. Ушбу уйғунлик бўлажак ўрта маълумотли исломшунослар, имом-хатиблар ва араб тили мударрисларини тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш имконини бермоқда. Мадраса битирувчиларидан Абдулбосит Раҳимов, Фахриддин Аминов, Улугбек Жияновларнинг Мисрдаги «Ал-Аз-ҳор» университетиде, бошқа бир гуруҳ ёшларнинг эса Тошкент олий ислом институти ва университетиде синга-

Фафуржон Раззоқов. — Аммо юртимиздаги тинчлик ва хотиржамликни, диний бағрикенгликни кўрмалмай Ўзбекистонга тухмат тошларини оғатаётган айрим Ғарб сиёсатчиларининг сохтакорлиги ва иккиозламачилигини фош этишда ҳам бу мадраса муҳим аҳамиятга эга бўлапти. Чунончи, уларнинг ўз «Ҳисобот»ларида Ўзбекистонни диний эркинлик таъминланмаган мамлакатлар қаторига қиритишга уринишлари тухматдан бошқа нарса эмаслигини исботлаш учун узоққа бориш шарт эмас. Бухородаги 10 мингдан ортқ киши намоз ўқийдиган Калон масжиди ёнидаги Мир Араб мадрасасида диний таълимнинг юксак савияда ташкил этилганини кўрсатишнинг ўзи кифоя қилади. Бултур Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан бу ерда барча дин уламолари ва мадраса талабалари иштирокида ташкил этилган давра суҳбати бизга демократияни, қандай яшашни, кимга сажда қилишни ўргатаётган ҳажм қилган қора нишанга «эксперт»ларга муносири жавоб бўлди. Жаҳолатга қарши маърифат билан кураш деганлари аслида шу эмасми? Абдужалил ХАЛИЛОВ, журналист, ИZZАТУЛЛА ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

(Боши ўтган сонларда)

— Кўнгилингга оғир олмагину, лекин бу одам билан бахтли бўлишиңга кўзим етмайди. Қизим... юқорида ўзинг айтган ахвол бир ум давом этмайди-ку, ахир! Бугун бўлма-са эртага унинг севгииси ёниб тамом бўлган ўтиндай қора кўмир, кулга айланади... Яна ўша оиласи, бола-чақаси билан бирга бўлиб кетади. Сен ёлғиз қолсан... — Нахот шундай бўлса, онажон?! — Менга ишонавер, албатта шундай бўлади! Бунақа ишларни кўп кўрганман, эшитганман. Ҳеч-йўғи хотини бўлмаганда эди ахир, унда умид боғласанг арзирди... Ҳозир эса... * * * Бекмирза машинасини Солиҳанин уйи дарвозаси олдида ўчирган ҳам эдики, қаршидан яраклаб турган «Хонда» беланд бўйли, қоп-қора сочлари текис таралган, хушбичим бир йигит сапчиб чиқди-да, орқа эшикни очиб, ўша хиёл четга тисланди. — Мана, Солиҳахон, баҳонада уйингизни ҳам кўриб олдик... Вақт-бемаҳал келаверсак, хафа бўлмайсиз, — хандан солиб қулди у машинадан тўшаётган Солиҳаниннинг қўлига қўлини теккизиб. Орқа ўриндиқдан тушган Солиҳа Бекмирзанинг назарига гўлдай очилиб кетган эди. — Раҳмат, Хурсанд ака, овора бўлдингиз-да, — дея эркакка мулозатмат қилди у шоша-пиша. Эркакнинг шошилгуси йўқ эди. У яна бир-икки дақиқа гани айлантдири, аммо, Солиҳа томонидан рағбат сезмаган, куюқ хайрлашиб жўнаб кетди. — Ким бу одам? — деди шоша-пиша Бекмирза саломлашишни ҳам унутиб. Солиҳа у томонга ўгирилди-ю, неғадир қовоғини солди. — Яхшимисиз, — дея сурашди у истамайгина. — Ҳамкасизларингиздан. Божнонага иши тушган экан, «йўлим шўкда»,

деб мени ташлаб кетди. — Кўриниб турибди... — дея хўрсинди Бекмирза. Солиҳа уни уйга тақлиф қилмади. Орага ноқулай сукунат чўкди. — Висолхонга ўтмай қўйдингиз, телефонда ҳам гаплашгингиз йўқ... Нима гап? — дея жимликни бўзди Бекмирза. — Ҳеч гап йўқ... Чарчаганман... — Мендан бирон гап ўтган бўлса, очигини айтинг... Солиҳа... Индамай одамни қийнаманг! Солиҳа тўғрисида уни билан ерни ўйганича яна жимиб қолди. — Солиҳа! Нима бўлди ўзи? Мени қийнаманг! Кейинги уч-тўрт хафта ичида ўзимни қўярга жўй тополмайман. Уша... Чо-дакдаги кўнгилирралик ёзилма-япти, шекилли. — Гап ёлғиз Чодакдаги воқеада эмас, Бекмирза ака... — Очигини айтинг, ҳамма шартингизга тайёрлигини биласиз-ку! Нима қилай, ахир! — Менга ҳеч нарса керак эмас! — Бирдан қаҳри кўзгади Солиҳаниннинг. — Жоним тинч бўлса кифоя! У тарс-тарс юриб уйига кириб кетди. Бекмирза унинг ортидан эргашинга журъат қилмади. — Нима бўлди ўзи менга? Нега бу одамга ҳе йўқ, бе йўқ ўзимча аччиқ-тизиқ қиламан? Э... Нахотки кўнгилим қолган ва ундан қутулиш учун култегани титаётган товухдай йўқ ердан можаро излаб жанжалга баҳона қидираётган бўлсам?» дея ўйлаб қолди Солиҳа ўрнига ётаркан. Мана, бирга юрганларига ҳам икки йилдан ошди. Болани олдирувчи, у кўксига ҳеч қандай безовталик сезмаган, аксинча Бекмирза билан ўтган ҳар бир дақиқа фақат шодлик бахш этарди, холос. Болани олдирган, у юраги аллақандай... бўшаб қолганини туйди... Кўрагини тўлдирган шодлик кўксига мундатда тумандай тарқаб кетди. Аста-секин унинг ўрнини умидсизлик, эр-

танги кўнга ишонсизлик, бир марта севдим! Ва бу муққусини сирқиратиб, бетиним жимлайдиган, оғир юкдай эзадиган ахсрат туйғуси эғла-ди бошлади. Авваллари Бекмирза висолхонга келмай, ўз уйида қолган тунлари Солиҳа кечаси билан тикан устида ағангандай бўлар, «Ҳозир у... хотини билан... ётибди!» деган оғриқли фикр миясини бетиним пармаларди. Бошқа ҳеч нарса эмас, фақат мана шу — ёлғиз ўзингизга тегишли, танҳо ўзинга аталган суюклигининг бошқа кучоқда эркаланиши

бир марта севдим! Ва бу муққусини сирқиратиб, бетиним жимлайдиган, оғир юкдай эзадиган ахсрат туйғуси эғла-ди бошлади. Авваллари Бекмирза висолхонга келмай, ўз уйида қолган тунлари Солиҳа кечаси билан тикан устида ағангандай бўлар, «Ҳозир у... хотини билан... ётибди!» деган оғриқли фикр миясини бетиним пармаларди. Бошқа ҳеч нарса эмас, фақат мана шу — ёлғиз ўзингизга тегишли, танҳо ўзинга аталган суюклигининг бошқа кучоқда эркаланиши

ги сиқилса ичар эди. Солиҳа билан топишгач, бу одатни ташлаган, чунки юрак сиқилиши умуман йўқ бўлиб кетган эди. Бугун дарди-дунёси яна қоронғулашди-ю, оёғи ўз-ўзидан яқин орадаги дўкончага йўғалаб кетди... Дўконда ичган бир-икки пиёла ароқ юрак бағлигини ёзмади, аксинча турли маънафи фикрлар ҳаёлига келиб, баттар руҳи эзилди. — Солиҳа мендан айниган! У кунги «Хонда»да келган хушбичим йигит бекорга атрофида ўралашмади. Ёш, кўркем экан...

фелардан бирига кириб борди. Якка ўзи алоҳида хонада тўйиб ичди. Кайф ҳолда машинани миниб яна Солиҳанин уйига борди. Дарвоза олдида уловини тўхтади-ю, ичкарига киришга юраги дов бермади. «Яна ўша кампир... мен еб у қуруқ қолгани ёни тарсади!» Анови бола яна сўқиниб, одатдагидай жўртгага атрофга тупуради! Солиҳа эса... Чикадимни-йўқми — номаълум... У машинани яна бетизгин йўларга солди. Каёққадир бориб яна ичди, Солиҳанин кўча дарвозаси олдида яна уч қайта борди, тўхтади, яна жўнаб кетди... Тун ярмида хориб-чарчаб, юраги тарс ёрилар дараҳада, ғаш ҳолда уйга кириб борди. Одатдагидек ҳеч ким уни қутиб олмайди, ҳайхотдай ҳовлида қабристон суккути ҳукмрон эди. У оёқларини судраб босганича ўз хонасига кириб, муздай қўрпа кучоғига жойланди. Кечаси билан алағ-чалағ тушлар кўрди. Саҳарда юз-қўлини ювмаёқ телефонга ёпишди. — Солиҳа... — Солиҳа ҳали дам оляпти! Саҳар мардонда безовта қилиш шартми?! Телефон гўшаги шарақлаб жойига тушди... Бекмирза эса гўшақни маҳкам сиқимлаганича турган жойида қотиб қолаверди... Шу кунги кечгача ҳам Бекмирза ўзига келмади. Солиҳанин онаси бу қадар қўпол муомала қилишга қизи томонидан бирор имо-ишора бўлмаса журъат этмасди. Нима бўлса ҳам қувё номи бор ахир... Кампир ораларидаги муносабат даражасини жуда яхши билади. Демак... Дили қаттиқ ранжиган Бекмирза тонг саҳардаёқ уйдан чиқиб кетди-ю, тўппа-тўғри «ви-солхон»га борди. Аламиния яна ичкиликдан олди...

еди. Кечкурун ҳам Бекмирзадан бирор садо истаб аллама-ҳалғача уйкуси келмади. Тонгда телефон жрингилганда у қотиб ухлаб қолган эди. Нонушта устида: — Ҳеч ким сўрамадими? — дея онасига мурожаат қилган-у, у бироз тараддуланиб олгач: — Анави... Бекмирза сўров-ди, azon маҳали, сени уйғотмадим, — дея қовоқ-тумшугини уйди. Солиҳа индамади. Ишончага боргач, яна кўнгироқ пойлади. Яна жимжитлик... «Висолхон»га кўнгироқ қилган-ди, биров телефон дастагини кўтармади. Тушликни Карима билан бирга ўтказишди. — Ҳа, тинчликми? — дея ажабланиб сўради Карима Солиҳанин хомш қифасига бо-киб. Кейинги ойларида Солиҳанин кайфияти паст, хатти-ҳаракатлари сустиги очик сезилиб қолар, Карима бунга ўша — бола олдиришга боғлаб, қўл-қўла бечорани олатишга уринарди. — Энди бўлди-да, бас қилинг... Бўлар иш бўлди... Ҳали... Худо хоҳлса ҳаммаси жойига тушиб кетади... Фарзанд ҳам кўрасиз. Ўзингизни кўп қийнаверманг... — Гап ёлғиз ўша воқеада эмас, Карима... Кейинги пайтларда Бекмирза ака ҳам қандайдир ўзгарган... Кейин... ўзим ҳам... ўша ҳодиса тасвириданми, кўнгилим совуған... — Нима, Бекмирза акаданми? Нахотки?! — қўларини катта-катта очди Карима. — Ахир... — Йўқ, йўқ, сиз бошқача туншунман бунга... Ёлғиз Бекмирза акадан эмас, ҳамма, ҳамма нарсадан совудим. Тўғрисиини айтганда... Ҳаётнинг қизиги қолмади мен учун! — Бекор айтаёми?! — Қўшларини кериб, овозини кўтарди Карима. — Ҳали ҳаммаси олдида! Чиройингиз ҳали неча йиллар неча кўнгиллarga чўғ ташлайди! Ҳаётнинг энг сарали ишлари ҳали олдида! Тўғрисиини айтсам, мен ҳам, бошқа аёллар ҳам сизга фақат хавас билан қарайми. (Давом бор)



(Қисса)

Нахотки, Солиҳа шундан... Йўқ! Йўқ! Ахир уни яхши биламан. Енгилтақликнинг кўчасига ҳам кирамайди. Бўлмаса, нега бундай қилапти? Ахир, болани олдиришга мен қарши эдим. Олдирмайсан деганман... Айбим нима? Тўғриси, мендан кўнгили қолган, тўйган... Шундай эзгувчи уйлар тўғр-нида у шаҳар бўйлаб бемақсад узоқ кезди. Уша кунги ёмғир ёғган, асфалт йўллар ялтираб ётарди... Бекмирза яп-янги қора «Нексия»сида шу йўллар-да учиб юрар, кўрган-билганлар босиб, хушмуомала бу инсоннинг ҳеч нарсага парво қилмай, ёмғирли йўлларда машинанин олдай учириб юришига хайрон қараб қолмишарди. Тундан кейин у шаҳар четидоги янги қад ростлаган шинам ка-

КАСАБА УЮШМА СПАРТАКИАДАСИ

Мақсад: жойларда спортнинг оммавийлигини ошириш, ишчи ва ходимлар ҳамда ёшларни спортга янада кенгроқ жалб этиш

Саломатлик, соғломлаштириш, мазмунли ҳордик чиқариш... Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясига бирлашган аъзо ташкилотлар ҳамда унинг тасарруфидagi жамоалар аппарат ходимлари ўртасидagi спартакиада бахслари юқоридаги жихатлар учун хизмат қилиши аниқ. Бунга биз спартакиаданинг саралаш бахсларини кузатиш жараёнида, амин бўлдик.

вилоятдан йигилган спортсевар ходимлар қизикarli беллашувларда қатнашдилар. Бу минтақада мезонларнинг тайёргарлиги бошқа вилоятларга қараганда анча юқори бўлганлиги кўринди. Иккинчи минтақа бахслари Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳрида ўтди ва унда мезонлар, Тошкент шаҳри, Жиззах ҳамда Сир-

ри спорт коллежида ўтиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари жамоалари ўзaro беллашдилар. Куйидаги спортчилар биринчи гуруҳда ўз минтақаларида голиб ва совриндор бўлиб, кейинги босқичга йўл олишди:

Мини футбол — Андижон, Жиззах, Самарқанд, Хоразм.
Стол тенниси — Ю.Паламарчук (НТМК), С.Комарова (НТМК), Х.Махмудов (Тошкент шаҳри), Р.Абдуалимова (Сирдарё), Х.Беченов (Хоразм), М.Фулмова (Қашқадарё), С.Саидхўжаев (Фарғона), Р.Низова (Андижон).
Шашка — М.Кенжабоев (Андижон), Н.Тўракулова



А.АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

ҲАМ БАҲС, ҲАМ ҲОРДИҚ

аниқлаган бўлса, иккинчи гуруҳда эса тармоқ касабаси уюшмалари Марказий кенгаши, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясига тасарруфидagi ташкилот жамоалари йўлланмалар учун бахс олиб боришди.

Дастлаб, биринчи гуруҳ янунлари ҳақида. Андижон шаҳрида водийнинг уч

дарё вилояти жамоалари иштирок этишди. Учинчи минтақадан Навоий, Самарқанд, Бухоро вилоятлари ҳамда Навоий тоғ-металлургия комбинати жамоалари ўрин олган эди. Мусобақалар Навоий шаҳрида ташкиллаштирилди. Биринчи гуруҳнинг 4-минтақаси беллашувлари Урганч Олимпия заҳирала-

ри спорт коллежида ўтиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари жамоалари ўзaro беллашдилар. Куйидаги спортчилар биринчи гуруҳда ўз минтақаларида голиб ва совриндор бўлиб, кейинги босқичга йўл олишди:

Республика спартакиадаси мини футбол, стол тенниси, шашка, шахмат ва енгил атлетика турлари бўйича ташкил этилмоқда. Финал мусобақаларига чиқиш учун саралаш бахслари икки гуруҳда бўлиб ўтди. Яъни, биринчи гуруҳда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаларининг жамоалари 4 та худудий минтақавий гуруҳда финалчиларни

Бу сўзлар янгилик эмас. Шунчаки кўп бор такрорланган учун эмас, руҳан яқинлиги ва юракка ўрнашиб қолганлигидан балки шундайдир. Касабаси уюшмалари томонидан уюштирилган барча спорт бахсларида иштирокчилар ушбу сўзларни мамнуният билан изҳор этиши хуш кўрилади: «Мухими ютук эмас, мусобақада қатнашишдир».

Лекин иккиланмай айтишимиз мумкин, қарийб барча ич-ичидан ўзини голиблик шоҳсупасида кўриши истайди ва бунга астойдил интилади ҳам. Кунин кеча «Яккасарой» спорт мажмуасида Ўзбекистон касабаси уюшмалари тармоқ кенгаши аппарат ходимлари ва фаоллари ўртасида бўлиб ўтган Республика спартакиадасининг саралаш зонал мусобақаси бу фикрни яна бир қарра тасдиқлади. Ҳеч ким ютқизиши хоҳламади, барча фақат ва фақат зафар кучи учун келганлигини исботлашга ҳаракат қилди.

«Маорифчи» футбол жамоасини майдонга бошлаб тушган таълим ва

чиқиш ҳеч бир тармоқ учун оsonликча кечмаслигини кўрсатди. Лекин кўнгилга масрурлик бағишловчи бир ҳолат барчага ўзгача кайфият тақдим этгани рост. Кўзлар зиёга тўлиб, юзларга соғломлик ифодаси ўлароқ қизиллик югурди.

— Спартакиаданинг саралаш зонал бахслари иштирокчилари, ҳеч бир муболагасиз айтишим мумкин, бўлим тоғ кўйида дам олгандек ҳис қилдилар ўзларини, — деди ЎзКУФК маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Асқарали Султонов. — Ушбу мусобақаларда улар сарф қилган куч-қувват, ўйламанки, икки-уч баравар бўлиб эга-

ҲЕЧ НАРСА ИЗСИЗ КЕТМАЙДИ

голиблар кейинги босқичга йўл олдилар

фан ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши раиси ўринбосари Шухрат Алламуродов эришилган муваффақиятни шундай изоҳлайди: — Машқачи кийин бўлса, жангда оson бўлади, деб бежиз айтишмайди, ахир. Йигитлар (уларнинг аксарияти 40 ёшдан 60 ёш ўртасида) икки йилдан бери ўйнаб келишди. Майдонда бир-бирларини яхши тушунишлари шундан.

Шу кунин нафақат футбол майдонидан, балки стол тенниси, югуртиш йўлакчаларида ҳам бахслар гоёт қизгин кечди. Осойишталик ва сокинлик талаб этиладиган спорт турлари — шахмат ва шашка мусобақалари теварагида томошбинларнинг қутилгандан-да кўпроқ бўлганлиги эса «ақл гимнастикаси» ҳеч кимга бегона эмаслигини тасдиқлади ҳолос.

Албатта, ҳар бир мусобақанинг ўзига хос жиҳатлари бўлади. Бундай турнирларда қатнашиб кўзи пишиқ қолганлар билан бир қаторда илк бор ўз кучи ва маҳоратини синовдан ўтказганлар ҳам йўқ эмасди. Бу, табиийки, айрим кўнгилли ҳолатларни юзага келтирди.

Узунликка сакраган бир аёл дугонасига: — Ҳакам кўлим тушган жойдан масофани ўлчади. Шу тўғрими? Ахир оёғим олдинда эди-ку!

Дугонаси: — Эси, яхши бўлмабди. Агар сувга қалла ташлагандек сакраганингда ютиб чиқаркансан...

Албатта, бу бир латифа. Саралаш бахслари асноси кейинги босқичга

ларига қайтди. Қолаверса, бугунги бахслар соғлом турмуш тарзи учун энг яхши ибратомуз тарғибот эканлиги билан ҳам аҳамиятга моликдир.

Мини-футбол
1. Агросаноат ходимлари касабаси уюшма Марказий Кенгаши
2. Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшма Марказий кенгаши
3. Алоқа ходимлари касабаси уюшма Марказий кенгаши
4. Metallургия ва машинасозлик санoати ходимлари касабаси уюшма Марказий кенгаши

Енгил атлетика

Эркақлар
1. Ю. Раҳимжонов — Metallургия ва машинасозлик санoати ходимлари касабаси уюшма МК
2. С. Абдуғаниев — Алоқа ходимлари касабаси уюшма МК
3. Б. Шерматов — «Ишонч» тахририяти
4. А. Худоберов — Курилиш ва курилиш ашёлари санoати ходимлари касабаси уюшма МК

Аёллар

1. Н. Абдурахимова — Авиаходимлар касабаси уюшма МК
2. Л. Исмоилова — Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшма МК
3. И. Горенкова — Еқилги-энергетика, кимё санoати ва геология ходимлари МК
4. Н. Гаирова — Алоқа ходимлари касабаси уюшма МК

Стол тенниси

Эркақлар
1. С. Саидхўжаев — Таълим ва

фан ходимлари касабаси уюшма МК

1. А. Протопопов — Еқилги-энергетика, кимё санoати ва геология ходимлари касабаси уюшма МК

2. Г. Шермухамедов — Темирйўлчилар ва транспорт курувчилари касабаси уюшма МК

2. Ш. Кўшоқов — Агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшма МК

Аёллар

1. Л. Литвинова — Курилиш ва курилиш ашёлари санoати ходимлари касабаси уюшма МК

1. О. Хрущева — Авиаходимлар касабаси уюшма МК

2. Н. Усмонова — Агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшма МК

2. М. Хўжаева — Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касабаси уюшма МК

Шашка

1. З. Ўринбоев — Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшма МК

1. Х. Сайдалиев — Курилиш ва курилиш ашёлари санoати ходимлари касабаси уюшма МК

2. Р. Шоқаримов — Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшма МК

2. И. Сунонов — «Ишонч» тахририяти

Аёллар

1. Ш. Усмонова — Алоқа ходимлари касабаси уюшма МК

1. Д. Тошматова — Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшма МК

2. Г. Салоҳитдинова — Агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшма МК

2. Ш. Умарова — Темирйўлчилар ва транспорт курувчилари касабаси уюшма МК

Шахмат

1. Ф. Ҳамидов — Еқилги-энергетика, кимё санoати ва геология ходимлари касабаси уюшма МК

1. И. Аҳмедов — Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшма МК

2. А. Абдуллаев — Алоқа ходимлари касабаси уюшма МК

2. М. Саъдуллаев — Metallургия ва машинасозлик санoати ходимлари касабаси уюшма МК

Ғолиблар май охирида ўтказиладиган республика босқичида ўз маҳоратларини яна бир қарра имтиҳондан ўтказадилар.

Сўнгги нуқтани кўйишдан олдин яна бир гап. «Ишонч» газетаси тахририяти бундай турнирда илк бор қатнашиши. Кўрсатилган натижалардан унчалик кўнглимиз тўлмагани балки шундандир. Аксарият қатнашчиларнинг фикри битта: спорт билан минтақам шугулланиши йўлга қўймай туриб, манзилга бошқалардан илдамроқ етиб келишнинг сира илоҳи йўқ. Бинобарин, биз учун бу мусобақа катта сабоқ бўлди.

Энди ҳар кун бўлмаса-да, ҳафтада бир марта спорт майдончаларида жамулжам бўлишга келишиб олдик. Бу, ўйлашимизки, бошқаларга ҳам ўзига хос оғоҳлантириш; кейинги бахсларда улоқни биздан тортиб олиш оson бўлмайди.

Сиз ҳам ҳозирдан ҳаракатингизни қилинг. Биз йўлга чиқдик.

Зайниддин РИХСИЕВ

Шашмат — А.Кимсанов (Андижон), М.Раимов (Тошкент шаҳри), И.Носиров (Навоий), Х.Омонов (Қашқадарё).

Спартакиаданинг финал босқичи 29-31 май кунлари пойтахтимизнинг «Яккасарой» спорт соғломлаштириш мажмуасида бўлиб ўтади.

А.АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Барча бўғинларда



Фарғона шаҳридаги вилоят Олимпия заҳиралари спорт коллежида ажойиб мусобақа бўлиб ўтди. Вилоят халқ таълими бошқармаси таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси вилоят кенгаши билан ҳамкорликда биринчи бор спортнинг беш тури (стол тенниси, дарвозани нишонга олиш, халқга тўп ташлаш, шахмат, дартс) бўйича тизимдаги раҳбар ходимлари ўртасида турнир ташкил этди.

Беллашувларда барча шахар, туман халқ таълими бўлими мудири ва мудиралари, касабаси уюшма кенгаши раислари, вакилликлар ва маънавият-маърифат ишлари бўйича мудири ўринбосарлари, халқ таълими бўлимида меҳнат қилаётган раҳбар аёллар ва жойларда голибликни қўлга киритган бошланғич касабаси уюшма

қўмита раислари, иштирок этдилар. Асосий мақсад жойларда спорт-соғломлаштириш ишларини жонлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, бир сўз билан айтганда, касабаси уюшма ташкилотларининг барча бўғинларида спортга эътиборни кучайтиришдан иборат эди.

Муросасиз курашлар остида ўтган баҳслар якунида умумжамоа ҳисобида Сўх тумани вакиллари биринчи, Марғилон шаҳри вакиллари иккинчи, бувайдалликлар эса учинчи ўринни банд этишди.

Ғолиблар вилоят кенгашининг қимматбахо совғалари билан тақдирланишди. Шунингдек, соғломлаштиришга эсалик совғалари топширилди.

М. МУРЗАЕВА

Футбол

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лига 8- ва 9-тур учрашувларида совринли ўринлар учун баҳс олиб бораётган баъзи жамоалар очко йўқотишди. Марҳамат, ўйинлар натижалари билан танишинг.

«НЕФТЧИ»

ОЧКО ЙЎҚОТДИ

8-тур: Шўртан-Пахтакор 0:3, Нефтичи-Машъал 3:1, Локомотив-Металлург 3:3, Туполанг-Бухоро 0:0, Курувчи-Навбахор 3:1, Насоф-Самарқанд-Д-1:1, Андижон-Кизилқум-1:0, Вобкент-Трактор-2:1.

9-тур: Metallург-Шўртан-4:0, Трактор-Локомотив-1:0, Машъал-Вобкент-4:1, Самарқанд-Д-Андижон-0:0, Навбахор-Насоф-1:1, Бухоро-Курувчи-1:2, Кизилқум-Нефтичи-0:0.

Ғолибларни Хоразм вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Марат Юсупов ҳамда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамаи-яти «Пахтакор» спорт-соғломлаштириш клуби директори Баҳодир Бегимжонов муборакбод этишди.

Спартакиада қатнашчилари қадимий ва ҳамшира нақирон Хива шаҳрини зифрат қилишди, Хоразм навалари жўрлигидаги концерт дастуридан баҳраманд бўлишди.

М. Тўрабоева, «Ishonch» мухбири

УМИД ҒУНЧАЛАРИ

«Умид ғунчалари» спорт мусобақасининг Навоий вилоят босқичи ҳам ниҳоятга етди.

Спортнинг бешта тури бўйича голибликни қўлга киритган Хатирчи туман халқ таълими бўлими ёш спортчилари энг кўп очко тўплаб, Тошкент шаҳрида ўтадиган мусобақанинг финал босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

Хатирчиларнинг бу ютуғи тасодифий эмас.

Туман ХТБ машғулотлар-

нинг узвийлигини таъминлаш учун «Лочин» спорт мажмуасида ихтисослаштирилган, шунингдек, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида шарт-шароитларни яхшилашга доимий равишда эътибор қаратишмоқда.

Мансур АЛОВУДИНОВ, «Ishonch» мухбири.

МАЙДОНДА СОЛИҚЧИЛАР

Бухоро шаҳар солиқ коллежи спорт мажмуасида Ўзбекистон солиқ қўмитаси ўқув муассасалари талабалари ўртасида республика биринчилиги бўлиб ўтди.

Унда Солиқ Академияси футболчилари мусобақага жиддий ҳозирлик кўрганликларини намойиш этиб, биринчи ўринни қўлга киритди. Бухоро шаҳар солиқ коллежи иккинчи, Тошкент солиқ коллежи талабалари эса учинчи поғонадан жой олишди.

Ўзбекистон солиқ қўмитаси бирлашган касабаси уюшма қўмитаси, Бухоро вилоят солиқ бошқармаси, тармоқ касабаси уюшмаси Марказий кенгашининг Бухоро вилоят вакилиги голиб ва совриндорларни қимматбахо совғалар билан тақдирлади.

Б. САИДОВ, Тармоқ касабаси уюшмаси Марказий кенгаши Бухоро вилоят вакилигининг бўлим мудири

МУРОСАСИЗ ВА... ДЎСТОНА

Урганчдаги Олимпия заҳиралари спорт коллежида Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси анъанавий спартакиадасининг минтақавий саралаш мусобақаси бўлиб ўтди.

4-гуруҳдан ўрин олган Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм вилоятларидан 70 нафарга яқин касабаси уюшма ходимлари спортнинг мини футбол, шахмат-шашка, стол тенниси, енгил атлетика турлари бўйича бахслашдилар.

— Мен Қашқадарёдан келдим, — дейди вилоят

таълим ва фан ходимлари касабаси уюшма кенгаши мутахассиси Моҳира Фуломова. — Яратилган шарт-шароитлар менга маъқул бўлди. Узимни худди дунёнинг машҳур кортларида ўйнаётгандек ҳис этдим.

— Бундай спартакиадаларнинг ўтказилиши нафақат саломатлигини мустақамлашга хизмат қилади, балки дунёқарашимизни кенгайтиради. Интилувчанлик, қобилиятимизни

ривожлантириб, рақобат майдонинда собитқаддам бўлишга ундайди, — дейди Қорақалпоғистон жамоаси раҳбари Мақсуд Ниязимбетов.

Кизгин бахслардан сўнг мини футбол бўйича Хоразм вилояти жамоаси 1-ўринни қўлга киритди. Стол тенниси бўйича голиблик эркақлар ўртасида хоразмлик Хожиназар Бекжонов, аёллар орасида эса қашқадарёлик Моҳира Фуломовага

насиб этди.

Шахмат баҳсида Хусан Омоновга (Қашқадарё) тенг келадиган рақиб топилмади. Енгил атлетика мусобақаларида Сурхондарё вилоят аъзолари спартакиадага кизгин ҳозирлик қўриб келганлигини тасдиқлади. Шашка бўйича бахсларда қорақалпоғистонлик Шерниёз Бекниёзов ва Савтхон Жумабоевалар республика босқичига йўлланмани қўлга киритишди.



БОШ МУҲАРРИР

Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Тахрир хайъати:

- Алла Долженкова, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзохид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Фуломзоқир Юсупов

Бизга қўнғироқ қилинг:

Котибият

153-52-78

Бўлимлар

Касабаси уюшмалари хайъти бўлими: 153-87-63

Хуқуқ ва халқаро хайъти бўлими: 153-87-73

Ижтимоий-иқтисодий сийбсат бўлими: 153-87-74

Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт бўлими: 153-82-79

Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими: 153-85-43

Реклама ва эълонлар бўлими: 153-03-90

БИЗНИНГ МАНЗИЛ:

700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

Газета ҳафтанинг

сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи котиб - Ж. Шарофбоев

Навбатчи муҳаррир - Н. Рафиков

Навбатчи - Х. Жўраева

Мусоҳарчи - Д. Раҳмонова

Саҳифаловчи-дизайнер: Ю. Михайловский

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Офсет усулида босилди. Бичими А-2.

Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда.

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 20.20

Буюртма Г — 414

Тиражи: 16821

8 2 3 4 5 6